

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ****307 «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган
заргарлик буюмлари бўйича акциз солиғи ставкаси-
ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб
топиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
2 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1447-1*

(2010 йил 12 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ–1245-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроик-тисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 560-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2004 йил 31 декабрдаги 133-сонли «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган заргарлик буюмлари бўйича акциз солиғи ставкасини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (2005 йил 31 январь, рўйхат рақами 1447) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 5-6-сон, 38-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 27 август,
72-сон